

Тоиф сафари



19:03 / 25.03.2020 4933

Ана шундай оғир бир пайтда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан бошқа ерда ҳам Ислом даъватини қилиб кўриш ҳақида ўйлай бошладилар. Бу жой ўша пайтларда ҳамма жиҳатдан Маккадан кейинги иккинчи ўринда турадиган Тоиф шаҳри бўлиб кўринди. У зот Тоифга боришга қарор қилдилар.

Пайғамбарликнинг ўнинчи йили шаввол ойида Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам озод қилган қуллари ва тутинган фарзандлари бўлмиш Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу билан Тоифга бордилар. Улар «Шояд, Тоифдан бирор ёруғлик чиқса, маҳзунлик ариса, даъват ишлари юришиб кетса» деган умидда эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Тоифга етиб борганларидан кейин диёр аҳолисининг асосини ташкил қилувчи Сақиф қабиласи аъёнлари билан учрашдилар. Улар билан мажлис қуриб, Исломга даъват қилдилар.

Аммо уларнинг жавоби жуда ёмон бўлди. Улар у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни масҳара қилишди. Бу ҳам етмагандек, ўзларининг эсипастлари, қуллари ва бебош болаларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳақоратлашга, ортларидан бақариб масҳара қилишга ва тош отишга чорлашди. Тоифликлар йўлнинг икки четида туриб олиб, олдларидан у зот ўтаётганларида аёвсиз тошбўрон қилишди. Пайғамбар

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оёқлари қонга, қалблари дарду аламга, тиллари эса Аллоҳ таолога илтижога – дуога тўлди:

«Аллоҳим! Қувватим заифлигидан, чора-тадбирим озлигидан, одамлар олдида хор бўлганимдан Ўзингга арз қилурман! Эй раҳмлиларнинг раҳмлиси! Сен заифҳолларнинг Роббисан! Сен менинг ҳам Роббимсан! Мени кимларга ташлаб қўурсан?! Мени нохуш қаршилайдиган бегоналаргами?! Ёки ишимни душманга топшириб қўйдингми?! Агар менга ғазаб қилмаган бўлсанг, буларга парво қилмайман! Лекин мен учун Сенинг офиятинг кенгдир. Зулматларни ёритган, бу дунё ва охираат ишини ислоҳ қилган юзинг нури ила менга ғазабинг нозил бўлишидан, қаҳринг тушишидан паноҳ тиларман. То рози бўлгунингча Сендан розилик сўрайвераман. Қудрат ва қувват фақат Сенинг биландир».

Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарининг бу дуоларини дарҳол қабул қилди. Шу ондан ишлар аста-секин юриша бошлади.

«Ислом тарихи» биринчи китобидан